

А Ж Р И М

2021 йил ноябрь ойининг 08 куни жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар суди Андижон шаҳар ИИО ФМБ биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи - шаҳар судининг судьяси Б.Турдиев, судья ёрдамчиси С.Юсуповнинг котиблигида, Андижон шаҳар прокурори ёрдамчиси А.Сайназаров, гумон қилинувчи С.Х ва унинг ҳимоячиси Андижон шаҳар “VERDIKT NI MOYA” адвокатлик фирмаси адвокати Ф.Умаровларнинг иштирокида, жабрланувчи Ж.Анинг қатнашувида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан гумонланувчи Х.С.Хга оид 1-1701-2103/659-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Х.С.Х (Х.С.Х), 1987 йил 18 май куни Шаҳрихон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 4 нафар вояга етмаган фарзанди бор, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, [REDACTED]

[REDACTED] яшайди, иш бўйича 2021 йил 09 октябрдан гумон қилинувчи тариқасида жалб қилинган, ярашув қарори нусхасини олган.

Суд, гумон қилинувчи, жабрланувчининг аризаларини муҳокама қилиб, иш бўйича тўпланган далилларни суд мажлисида текшириб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Х.С.Х 2021 йил 08 сентябрь куни соат 17³⁰ ларда ўзига тегишли бўлган “Кобалт” русумли 60 R 270 QA давлат белгилли автомашинасини Андижон шаҳри, Чўлпон шоҳқўчасида амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари” 11-банди “г” кичик бандида кўрсатилган “ҳайдовчилар ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айниқса, болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши” мажбурдирлар” ҳамда 73-бандида кўрсатилган “ҳайдовчи ўзидан олдинда ҳаракатланаётган транспорт воситаси кескин тормоз берганида тўқнашиб кетмаслик кафолатини берадиган даражадаги оралиқ масофани, шунингдек йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлайдиган ёнлама оралиқ масофани сақлаши керак, ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусуияти ва ҳолатини йўл ва об-хаво шароитини шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши

керак. Тезлик ҳайдовчига ушбу Қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши керак. Ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак” деган талабларини бузиб, Андижон шаҳри, Чўлпон шоҳкўчасида бир йўналишда ҳаракатланиб бораётган велосипед ҳайдовчиси Ж.Ани бошқарувидаги автомашинанинг ўнг томон олд эшиги билан туртиб юбориб, иш бўйича ўтказилган суд-тиббий экспертизасининг 2021 йил 21 сентябрдаги №6428 сонли хулосасига кўра, М.Ахмедов “ўнг қўл 1-кафт суягини силжиб ёпиқ синиши, бош мия ёпиқ шикасти, бош мия чайқалиши, бош, юз соҳасида, пастки лаб, чап ўмров соҳасида, шилинма, қонталаш ва юмшоқ тўқисмаларнинг лат ейиши” каби соғлиқнинг узоқ муддат бузилиш мезонига кўра, ўртача оғир тан жароҳати олгани аниқланган.

Дастлабки тергов органи томонидан С.Х Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этганликда гумон қилинувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган.

Жабрланувчи Ж.А ариза билан мурожаат этиб, ҳозирда С.Х билан ихтиёрий равишда ярашиб олганини, моддий ва маънавий зарарлар тўлиқ қопланганини, унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, унга нисбатан ҳеч ким тазйиқ ўтказмаганини, ярашув оқибатлари тушунтирилганини билдириб, жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўради.

Гумон қилинувчи С.Х ариза билан мурожаат этиб, айбига тўлиқ иқрорлигини, чин кўнгилдан пушаймонлигини, ҳозирда жабрланувчи Ж.А билан ихтиёрий равишда ярашиб олганини, моддий ва маънавий зарарларни тўлиқ қоплаганини, ярашув оқибатлари унга тушунтирилганини билдириб, унга нисбатан юритилган жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўради.

Суд, гумон қилинувчи С.Х, жабрланувчи Ж.Аларнинг ярашув аризаларини ўрганиб чиқиб, прокурор ёрдамчиси ва ҳимоячининг жиноят ишини ярашув асосида тугатиш ҳақидаги хулосаларини тинглаб, мазкур жиноят ишини ҳаракатдан тугатиш учун монелик қилувчи ҳолатлар мавжуд эмаслиги боис, томонларни ярашганлик ҳақидаги аризаларини қабул қилиб, жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84, 582-583, 585-586 - моддаларига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Х.С.Х (Х.С.Х) Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан ЖКнинг 66¹-моддасига асосан жиноий жавобгарликдан озод қилинсин.

Х.С.Хга нисбатан жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан унинг айблилик масаласи ҳал қилинмасдан ҳаракатдан тугатилсин.

Ажримдан норози томонлар йигирма сутка ичида шу суд орқали Андижон вилоят судининг жиноят ишлари бўйича апелляция судлов ҳайъатига хусусий шикоят ёки протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи

(имзо)

Б.Турдиев

**Ажрим нусхаси аслига тўғри,
жиноят ишлари бўйича
Андижон шаҳар судининг судьяси**

Б.Турдиев